



120

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (036645) 6-15-89 faks.: (036645) 6-10-01

2018 у.г. «08» июль

№ 1229-х

Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурган

Каттакўрғон шаҳар Тошкент кўчаси атрофидаги шаҳар ҳокимлиги
захирасидаги 19,0 кв.метр ер майдонини фуқаро Хайдаров Дилшоджон
Абдухамидовичга эркаклар сарторошхонаси қуриши учун ажратиш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29-мартдаги “Обод қишлоқ” дастурини амалга ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ПҚ-3630-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги 54-сон “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига мувофиқ ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш, ҳамда фуқаро Хайдаров Дилшоджон Абдухамидовичнинг шаҳар ҳокими номига ёзган аризаси ва “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш бўйича тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш бўйича тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттакўрғон шаҳар Тошкент кўчаси атрофидан фуқаро Хайдаров Дилшоджон Абдухамидовичга эркаклар сарторошхонаси қуриши учун 19,0 кв.метр ер майдони ажратилсин.
3. Фуқаро Хайдаров Дилшоджон Абдухамидовичга белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида эркаклар сарторошхонаси қуриши учун ҳужжатларни расмийлаштириш юклатилсин.
4. Ушбу қарор тегишли корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рўхсатномалар олиш учун асос ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.